

Э Ў Л О Н !

**Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек туманининг
“Олтинтепа” МФЙ (8,15 га) ҳудудида комплекс ривожлантириш (реновация)
лойиҳасини амалга ошириш учун инвесторни танлаб олиш юзасидан
Дастлабки – Малака босқичи ўтказилиши тўғрисида**

Тошкент шаҳри

2025 йил 22 май

**Дастлабки – Малака
босқичининг ўтказилиш
санаси**

2025 йил 29 май

Иштирок этиш шартлари

1. Дастлабки – Малака босқичида иштирок этиш истагини билдирган инвесторлар (иштирокчилар) иловага мувофиқ шаклдаги ариза билан сўралган ҳужжатлар ва маълумотларни қоғоз ёки электрон ҳужжат шаклида илова қилган ҳолда мурожаат қиладилар.

2. Дастлабки – Малака босқичида инвесторлар (иштирокчилар) унинг ўтказилиш санасида ўз қонуний вакиллари орқали бевосита қатнашишлари мумкин.

Тақдим қилиниши зарур бўлган ҳужжатлар тўплами

1. Иловага мувофиқ шаклда расмийлаштирилган ариза сўралган ҳужжатлар ва маълумотларни илова қилган ҳолда.

2. Инвестор (иштирокчи) давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

3. Инвестор (иштирокчи) таъсис ҳужжат(лар)и нусхаси.

4. Инвестор (иштирокчи) (унинг таъсисчиси (иштирокчиси) ёки унинг ҳар қандай шўба корхоналари, асосий компанияси, у боғлиқ бўлган ва (ёки) у томонидан жалб қилинган лойиҳалаштириш ва қурилиш ташкилоти охириги 5 йил ичида реновация лойиҳаси доирасида янги қурилиши режалаштирилган объектлар умумий майдонининг камида ўн фоизи миқдорида қурилиш тажрибасига (объектни фойдаланишга топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда) эга эканлиги тўғрисидаги маълумотлар.

5. Инвесторнинг (иштирокчининг) солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлик йўқлиги тўғрисида маълумот (резидентлар учун).

6. Инвесторнинг (иштирокчининг) банкротлик белгилари ёки банкротлик тўғрисидаги

қарорларнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида
маълумот (резидентлар учун).

**Хужжатларни қабул қилиш
манзили**

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар,
Чилонзор тумани, “Ислом Каримов” шоҳ кўчаси,
51-уй (почта индекси: 100066, тел.: +998712100261,
el. pochta: info@toshkentinvest.uz
ва renovation@tashkentinvest.com манзилига.

**Хужжатларни қабул қилиш
сўнги санаси**

2025 йил 29 май соат 18:00 гача.

***Асос:** Тошкент шаҳар ҳокимининг 2025 йил 19 майдаги “Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманини комплекс ривожланиш ва реновация лойиҳасини амалга ошириш мумкин бўлган ҳудудининг чегараларини белгилаш тўғрисида”ги 359-14-0-Q/25-сонли қарори.*

Эслатма:

1. Аризага иловалар PDF форматида бўлиши шарт.
2. Аризани электрон почта орқали юборишда хатнинг мавзусини кўрсатиш шарт.
3. Ҳар бир файл ҳужжат номига эга бўлиши шарт.
4. Ариза ва ҳужжатлар топшириш муддати бузилган ва (ёки) улардаги маълумотлар тўлақонли эмас ва ишончсиз деб топилган тақдирда, аризани кўриб чиқиш рад этилади.
Бунда, Инвестор тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилиги ва ишончлилиги учун шахсан жавобгар бўлади.
5. Компания келиб тушган ариза ва ҳужжатларни уларни қабул қилишнинг сўнги санасидан бошлаб 5 иш куни ичида ўрганиб чиқиб, натижаларни Комиссия муҳокамасига киритади.
6. Комиссия томонидан ариза ва ҳужжатлар 3 иш куни ичида кўриб чиқилади ва тегишли қарор қабул қилинади.
7. Қабул қилинган қарорнинг кўчирмаси Компания томонидан 2 иш куни муддатда маълум қилинади.

(Инвестор бланкаси (мавжуд бўлганда))

2025 йил ____ май _____-сон	“Тошкент Инвест компанияси” АЖ Бошқаруви раиси Б.А. Шакировга
--------------------------------	--

Хурматли, Баҳром Аскаралиевич!

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2025 йил ____ майдаги “_____*(қарор номи тўлиқ ёзилади)*”ги ____-сонли қарорига асосан “_____*”* МФЙ ҳудудида реновация лойиҳасини таклиф қилиш бўйича Малака босқичида иштирок этиш тўғрисида эълон қилинган.

“_____*”* МЧЖ (СТИР: _____) Инвестор сифатида мазкур танловнинг Малака босқичида иштирок этиш истагини билдиради.

Шу мақсадда, танлов шартларида кўрсатилган ҳужжатлар иловага мувофиқ тақдим этилмоқда.

Илова: 1. _____*(ҳужжат номи)*, _____ варақда, электрон шаклда (агар электрон кўринишида тақдим этилса);
2. _____*(ҳужжат номи)*, _____ варақда, электрон шаклда;
3. _____*(ҳужжат номи)*, _____ варақда, электрон шаклда;
4. _____*(ҳужжат номи)*, _____ варақда, электрон шаклда;
5. _____*(ҳужжат номи)*, _____ варақда, электрон шаклда;
6. _____*(ҳужжат номи)*, _____ варақда, электрон шаклда;

Хурмат билан,
Директор

И.Ш. Фамилия



Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирлиги
ҳузуридаги Қурилиш
соҳасида назорат
инспекцияси

№ XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX
Ҳужжат яратилинган сана: XXXX XXXX
Ариза рақами: XXXXX

Ҳужжат берилган:
CHEKLANGAN JAMIYAT
СТИР:

Қурилиши (реконструкция) тугалланган объектдан фойдаланиш учун
РУХСАТНОМА

Ариза рақами: XXXXXXXX

Берилган санаси:

" нинг XXXXXXXXXXXX -сонли аризасига мувофиқ МФЙ, , 1-уй манзилидаги қурилиш
(реконструкция) тугалланган объектлардан фойдаланишга рухсат этилди. Мазкур рухсатнома
объектдан фойдаланиш учун асос бўлади.

Мазкур рухсатнома кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос
бўлади.

Бино ва иншоотнинг номи	Кадастр рақами	Бинолар сони	Умумий майдон (ташқи) (м²)	Умумий фойдаланиш майдони (м²)	Яшаш майдони (м²)	Қурилиш ости майдони (м²)
Ko`p qavatli turar joy (16 qavatli)	XX:XX:XX:XX:XX:XXXX	1	XXXX	XXXX	XXXX	XXXX
Жами:		1	XXXX	XXXX	XXXX	XXXX

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси бўлиб, давлат органлари томонидан ушбу ҳужжатни қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланади. Ҳужжат ҳақиқийлигини [hero.gov.uz](#) веб-сайтида ҳужжатнинг ноёб рақамини киритиб ёки мобил телефон ёрдамида QR- кодни сканер қилиш орқали текшириш мумкин.

XXXX QR cod